# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 5

Тошкент ш. «17» Январь 2022 йил

**«MIRJAHON XIZMAT»МЧЖ**, (кейинги ўринда «Ижрочи »деб юритилади.) Номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори Усанов М.Р. бир томондан ва **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси** кейинги ўринда “Буюртмачи” деб номланувчи Низом асосида иш юритувчи раҳбар пс.С Казеков иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагича туздилар.

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартномада «Ижрочи» «Буюртмачининг» буюртмасига асосан ҳизмат кўрсатади. Буюртмачи эса ушбу кўрсатилган ҳизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2. Бажарувчи ва Буюртмачи учун.

Бажариладиган ишнинг номи:

| № | Бажариладиган ишнинг номи | Ўлчов бирлиги | Хажми миқдори | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Биноларни дезинфекция қилиш/ишлари | кв.м | 6500 | 1500 | 9 750 000 |
| | **Жами:** | | | | **9 750 000** |

**Сумма: 9 750 000 (ҚҚС хисобга олинмаган ҳолда)Тўққиз миллион етти юз эллик минг сўм.**

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.1.1. Ижрочи томонидан кўрсатиладиган ҳизматларни сифатли бажарилишини талаб қилиш.

2.1.2 Ушбу шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни Ижрочидан талаб қилиш.

2.2. Ишни 30 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслигини аниқлаган тақдирда Буюртмачи 15 иш куни ичида Ижрочига аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома юборади.

2.3. Буюртмачи шартномада белгиланган тўловни шартномага имзо қўйилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида Ижрочининг ҳисоб варағига шартнома суммасининг умумий миқдоридан 30 фоизини ўтказишни, қолган 70 фоизини эса тўлов қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактураси ҳар икки томонлар томонидан имзолангандан кейин тўловни иш бажарилганидан кейин 10 банк иш кунида амалга оширади.

## 3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ -КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартноманинг суммаси: 9 750 000 **(ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда) Тўққиз миллион етти юз эллик минг**ни ташкил этиб, ишнинг хар бирлиги учун сўмда хақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома буйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан иш қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш кун давомида тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Бажарувчи"нинг айби билан "Буюртмачи" ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у иш хаққини тўлашни кечиктиришга хақли.

## 4.ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Иш бажарилгандан сўнг "Ижрочи" ва "Буюртмачи" топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва мухрланади.

4.2. Кўрсатилган ҳизматлар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи иш топширилган пайтдан бошлаб "Буюртмачи" га ўтади. (бунда бажарувчини лозим даражада ишларни бажармаганлиги ҳоллари мустасно)

4.3. Ишни топширишдан бошлаб, келишилган муддатга қадар "Буюртмачи" сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилали.

## 5.ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ -МУДДАТИ.

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар амал қилади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун "Буюртмачи" "Бажарувчи"га хар бир кечиктирилган кун учун, туловни кечиктирилган кийматининг 0.5% миқдорида. лекин ушбу сумманинг 20% дан ошмайдиган миқдорда товон (пеня) тулайди.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

7.1. Ушбу шартиома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олибборишн йўли билан хал қилинади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин Тошкент туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқишга топширилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонларнинг ҳохиш – истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво шароитлари, зил зила, пандемия сув тошқини ва бошка табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган) лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктиралади.

## 9.БОШҚА ШАРТЛАР.

9.1. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш хақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

9.2. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги хақида бир – бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

9.3. Шартномага хар қандай узгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.

9.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусҳадан берилади.

9.5. Шартномадаги иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

<table>
<tr>
<td>«Ижрочи »<br><br>ООО « MIRJAXON XIZMAT »<br>Адрес: г. Ташкент, Чиланзарский р-н<br>5/10/39 Тел. +99871 200 26 22<br>р/с 20208000800907296001<br>Чиланзарский ф-л АКБ «Туронбанк»<br>МФО 01084<br>ИНН 305690760 ОКЭД<br>Ижрочи томондан:<br>М.П. ____________ М.Усанов</td>
<td>«БУЮРТМАЧИ»<br>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI ... QO'MITASI<br>Manzil:100047, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor 7A<br>TEL:(0-371)207-07-70 1027# 1041#<br>O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi<br>H/R:2340 2000 3001 0000 1010<br>Toshkent shahar Markaziy banki IIKM MFO:00014<br>Shaxsiy hisob varog'i 40011080262947056100140001<br>STIR: 200 936 593 IFUT: 84111<br>Буюртмачи томондан:<br>М.П. ____________</td>
</tr>
</table>